**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича**
**ШАРТНОМА № 13**

Хива тумани 2021 йил “14” апрел

**“Вилоят тери-таносил касалликлари диспансери”** номидан Низом асосида фаолият юритувчи М.М.Эшниязов (кеинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан **“Обод Гандимён” фермер хужалиги** номидан Устав асосида фаолият юритувчи рахбар Р.Машарипов (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан (кейинчалик Томонлар деб аталади), ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## I. Шартнома предмети.

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугаганига қадар ҳар куни Буюртмачини нонушта, тушлик ва кечки овқат билан таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хуқуқий хужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган холда Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини (кейинги ўриларда Хизматлар деб аталади) ўз зиммасига олади.”Буюртмачи” “Аутсорсер”нинг хисоб ракамига шартномада курсатилган махсулот микдори суммасининг 30 фоизини олдиндан 5 банк иш кунида утказишни уз зиммасига олади.Колган 70 фоизини хизматлар бажарилганидан сунг 5 банк иш кунида утказади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:
2021 йил “14”апрелдан.
2021 йил “31”декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб, Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

## II. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.

2.1. Аутсорсер қуйидаги хуқуқларга эга:
2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;
2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш ;
2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;
2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;
2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойдаланиш;
2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;
2.1.7. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хужжатлар.
2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:
2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз холга келганда уларни ўз хисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларни қоплаши;
2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;
2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;
2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;
2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огохлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;
2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ хажмда кўрсатиши;
2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғирлаши;
2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хуқуқини берувчи тегишли хужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-аҳлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартиб қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огохлантириши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хужжатлар.

2.3. Буюртмачи қуйидаги хуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта хизматлар хақини тўлаш;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

## III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби.

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 177914500 сум
(Бир юз етмиш етти миллион туккиз юз ун турт минг беш юз _) сўмни ташкил этади .

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро хисоб китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар 10 кунда тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб 10 банк куни давомида шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур шартноманинг иловасида кўрсатилган шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

## IV. Томонларнинг мажбуриятлари.

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пениянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 % дан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларни бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишда озод этмайди.

4.3. Мазкур шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талабларида “Хўжалик юритувчи субъектлар фолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хуқуқий хужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини маниторинг ўтказишга (Аутсорсернинг молиявий фолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилик нормаларига мувофиқ қўлланилади.

**V. Низоли вазиятларни ҳал этиш тартиби.**

5.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-тамоили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида белгиланган тартибда иқтисодий судга кўриб чиқиш учун берилади.

**VI. Форс-можор холатлар.**

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай холлатлар енгиб бўлмас куч яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда холатлар ва алоҳида давраҳобати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаосиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

**VII. Якунловчи қоидалар.**

7.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг хақиқий хисобланади. Мазкур шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилади. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси бўлади.

**VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати.**

8.1. Ушбу шартнома имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва бир календар йил давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунга қадар амал қилади.

**IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари.**

**“Аутсорсер”** **“Буюртмачи”**

| | |
|---|---|
| Обод Гандимён ф/х | Вилоят тери-таносил касалликлари диспансери |
| Манзил: Хива туман Гандимён қишлоғи | Манзил: Хива тумани Журён кишлоғи |
| х/р: 20208000500793886001 | х/р: 100021860334017073201054001 |
| ИНН: 304989371 | ИНН: 202013094 |
| МФО:00548 | МФО:00014 ОКОНХ:91513 |
| Банк: ОАТБ агробанк Хоразм филлиали | Молия вазирлиги ғазначилиги |
| | Ғазна х/в : 23402000300100001010 |
| | Банк номи: Мар.банк Тошкент ш. Бош. ХККМ |
| | Газначилик инн :201122919 |
| | |

Рахбар Р.Машарипов Бош шифокор: М.М.Эшниязов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XIVA TUMANI "OBOD GANDIMYON" FERMER XO'JALIGI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI XORAZM VILOYATI TERI-TANOSIL KASALLIKLARI DISPANSERI

юрист ю. Жумаиязов

**14 апрел   2021 йилдаги  № 13- ШАРТНОМАГА**

**ИЛОВА**

Буюртмачи:   Вилоят тери-таносил  касалликлари диспансери

**Аутсорсер:                    ”Обод Гандимён ” фермер хужалиги**

| **№** | **Товар ва хизматлар** | **Кунлар сони** | **Порция сони** | **Нархи** | **Умумий киймати** |
|---|---|---|---|---|---|
| **1** | Тайёр озик-овкат иссик холда тайёрлаб етказиб бериш | 262 | 11600 | 14000 | 162400000 |
| **2** | Чай ширали нон | 262 | 3000 | 1600 | 4800000 |
| **3** | Эрталабки нонушта | 262 | 1600 | 6000 | 9600000 |
| **4** | Сут оши сифатли килиб иссик холда етказиш | 262 | 100 | 11145 | 1114500 |
| | **ЖАМИ** | **х** | **16300** | **32745** | **177914500** |

**БУЮРТМАЧИ**                                                  **АУТСОРСЕР**

**М.П.________М.М.Эшниязов**                    **М.П.________Р.Машарипов**

**(Имзо, Ф.И.О)**                                            **(Имзо, Ф.И.О)**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI XORAZM VILOYATI TERI-TANOSIL KASALLIKLARI DISPANSERI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XIVA TUMANI "OBOD GANDIMYON" FERMER XO'JALIGI

<<ТАСДИКЛАЙМАН>>

Хоразм вилояти тери-таносил касалликлари диспансери бош шифокори
_______________М.М.Эшниязов

“ 10 ” “апрел ” 2021 йилда тасдикланган № 35-и - сонли буйругига асосан ташкил килинган доимий фаолият юритаётган куйидаги таркибдаги комиссиясининг;

№ 18 -сонли БАЁННОМАСИ

<<14 >> апрел 2021 йил Хива тумани

| | | |
|---|---|---|
| Комиссия раиси: | А.Матякубов | бош шифокор ўринбосари |
| Комиссия аъзолари: | Б.Сапаев | касаба уюшма раиси |
| | Ш.Бобожонова | бош хисобчи ёрдамчиси |
| | С.Нуруллаев | пархез шифокори |
| | Ў.Аллаберганова | пархез хамшираси |
| | Ж.Жуманиязов | Хукукшунос |
| | А.Эрнафасов | Хужалик мудири |

**К У Н Т А Р Т И Б И:**

1. Эълон бўйича 01-апрел 2021йилда лот № **7096804** билан ўйинга куйилган хизматларни кўриб чикиш ;

2. Такдим килинган оферталарни( пакетларни) очиш ва ўрганиб чикиш;
3. Даъвогарларнинг таклифини бахолаш ва ғолибини аниклаш;

1. Кун тартибидаги масала юзасидан бахолаш комиссияси 2021 йил 12 апрел соат 11:00 да куйидаги оферентларнинг вакиллари иштирокида :

<< **12-апрелда 2021-йилда Ўзбекистон Республикаси давлат харидлари бўйича электрон портолида**>> кўйилган белгиланган хизматлари бўйича талабгорларнинг такдим этилган пакетлари очилди.

| № | Талабнома такдим этган ташкилотлар номи | ИНН | Почта манзили | Танловда катнашган оферентлар вакилининг исми шарифи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | “ Обод Гандимён” Ф/х | 304989371 | Хива тумани Гандимян кишлоги | Р.Машарипов |
| 2 | Хоразм асл дон оилавий корхонаси | 302516724 | Урганч шахар Ал-Хоразмий куча-58 | О.Жуманиязов |
| 3 | Ургенч умум мухандис хусусий корхонаси | 304237279 | Урганч шахар Ж.Мангуберди 10 уй | А.Исмаилов |
| 4 | FAST Foziljon МЧЖ | 306304074 | Урганч шахар Ю.Бобожонов кучаси 4-уй | И.Бекчанов |
| 5 | Xorazm Xumo Arena МЧЖ | 303021976 | Хива ш Х.Отажанов кщчаси 15-уй | Ф.Гаппарова |

2. Ушбу хизматлари бўйича талабгорларнинг такдим этилган оферталарини кўриб чикиш натижасида куйидагилар аникланди .

**“ Обод Гандимён” Ф/х** - хужжатлари тўлик хажмда такдим килинган;

**Хоразм асл дон оилавий корхонаси** - хужжатлари тўлик хажмда такдим килинмаган

**Урганч умум мухандис хусусий корхонаси** - хужжатлари тўлик хажмда такдим килинган

**FAST Foziljon МЧЖ** -хужжатларни тулик хажмда такдим килмаган

**Xorazm Xumo Arena МЧЖ** Танловда катнашишдан воз кечди

Танлов комиссияси иштирокчиларининг талабларга жавоб берадиган таклифларни танлаб олиб уларни куйидагича эълон килди:

**ЛОТ № 7096804**

| № | Товарларни ( ишларни хизматларни) тури | Ўл. Бир. | Сони | " Обод Гандимён" Ф/х | Урганч умум мухандис хусусий корхонаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Тайёр озик-овкат иссик холда тайёрлаб етказиб бериш | Порция | 11600 | 14000 | 15000 |
| 2 | Чай ширали нон | порция | 3000 | 1600 | 1800 |
| 3 | Эрталабки нонушта | порция | 1600 | 6000 | 6500 |
| 4 | Сут оши сифатли килиб иссик холда етказиш | порция | 100 | 11145 | 11300 |
| | | | | | |
| | | | | | |

**" Обод Гандимён" Ф/х** - корхонаси таклиф нархи – 177914500сум, бажариш муддати 262 кун

**Ургенч умум мухандис хусусий корхонаси** - корхонаси таклиф нархи – 189750000 бажариш муддати 262 кун

Бахолаш комиссияси аъзоларининг фикр-мулохазаларини эшитиб ва ўрганиб чиккан холда.

**3. Карор килади**

1. " Обод Гандимён" Ф/х - корхонаси таклиф нархи –177914500сум бажариш муддати 262 кун

2. " Обод Гандимён" Ф/х - корхонаси таклиф нархи – 14.04.2021 йилдан хизматларни ғолиби деб эълон килинсин

Овозга кўйиш натижаларига кўра:

Тарафдорлар – 7

Каршилар - -

Бетарафлар -

3. Бош хисобчига танлов ғолиби билан ўрнатилган тартибда шартнома тузиш юклатилсин .
Бахолаш комиссиясининг танлов ғолибини бахолаш баённомаси савдо иштирокчиларига ўкиб эшиттирилди ва унинг тузилиши тўғри деб топилди.

Комиссия раиси: А.Матякубов
Комиссия аъзолари : Б.Сапаев
Ш.Бобожонова
С.Нуруллаев
Ў.Аллаберганова
Ж.Жуманиязов
А.Эрнафасов

* Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-472-сонли «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунининг 53-моддасига асосан таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

Баённома юритди Ш.Бобожонова

# *ҚЎШИМЧА КЕЛИШУВ №14/2022*

«14» апрел 2021 йилдаги № 13-сонли шартномага

**«26» январь 2022 й.** **Хива туман**

**“Обод Гандимён”фермер хужалиги** кейинги ўринларда **«Аутсорсер»** деб номланувчи, низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар Р.Машарипов бир томондан ва Вилоят тери-таносил касалликлари диспансери кейинги ўринларда **«Буюртмачи»** деб номланувчи низом асосида фаолият кўрсатувчи бош шифокори М.М.Эшниязов иккинчи томондан, **2021 йил «14»апрелдаги №13-сонли шартномага** қўшимча туздилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сонли қарори 2-иловаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМнинг 3-боб 11-қисмига асосан Аутсорсинг хизматини кўрсатиш бўйича шартнома буюртмачи ва аутсорсер ўртасида календарь йил учун ушбу Низомга 2-иловада келтирилган аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича намунавий шартномага мувофиқ икки нусхада тузилади. Бунда, аутсорсер томонидан шартнома шартларининг тўлиқ бажарилиши ва буюртмачининг харажатлар сметасида ажратилган маблағ аутсорсерни қониктирган тақдирда, томонларнинг келишувига кўра шартнома муддати навбатдаги календарь йил учун узайтирилиши мумкинлигидан келиб чиқиб мазкур шартноманинг 1.3-бандида амал қилиш муддати 2022 йил 31 мартгача узайтирилишига келишилди.
2. Шартноманинг қолган шартлари **2021 йил «14» апрелдаги № 13-сонли шартнома** асосида юритилади.

Ушбу шартнома иккала томон учун бир хил юридик кучга эга бўлиб, **2021йил «14» апрелдаги №13- сонли шартнома**нинг ажралмас қисми ҳисобланади.

**Томонларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари:**

| **“АУТСОРСЕР”** | **“БУЮРТМАЧИ”** |
|---|---|
| **“Обод Гандимён” фермер хужалиги** | **Вилоят тери-таносил касалликлари диспансери** |
| Манзили:Хива туман Гандимён кишлоги | Манзили:Хива тумани Журён кишлоги |
| Тел/факс: 99- 944-88-34 | Тел/факс: 37-43-116 |
| х/р:20208000500793886001 | ш/хр:100021860334017073201054001 |
| ИНН: 304989371 | МФО:00014 |
| ОКОНХ: | ИНН:202013094 |
| Банк: ОАТБ Агробанк Хоразм филиали | ОКОНХ:86100 |
| МФО:00548 | Молия вазирлиги ғазначилиги |
| | Ягона газна х/р 23402000300100001010 |
| | Марказий банк Тошкент.ш.ХККМ<br>МФО 00014 ИНН 201122919 |

**М.Ў.** ________ **Р.Машарипов**
(имзо) (Ф.И.О.)

**М.Ў.** ________ **М.М.Эшниязов.**
(имзо) (Ф.И.О.)

**Ҳуқуқшунос:** ________ И. Отаджанов
(имзо) (Ф.И.О.)

Autsorsing shartlari asosida xizmatlarni ko'rsatish bo'yicha namunaviy shartnomaga
ILOVA

| ShARTNOMANING PROGNOZ SUMMASI | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **T/r** | **Oylar** | **Oydagi kunlar soni** | **O'lchov birligi** | **Xizmat birligi uchun narx (so'm)** | **Xizmat birliklari soni** | **Jami summa QQS siz (so'm)** | **QQS 0 %** | **Jami summa QQS bilan** |
| 1. | Yanvar | 31 | услуга | 10915 | 1649 | 17998835 | 0 | 17998835 |
| 2. | Fevral | 28 | услуга | 10915 | 1489 | 16252435 | 0 | 16252435 |
| 3. | Mart | 31 | услуга | 10915 | 1809 | 19745235 | 0 | 19745235 |
| 4. | Aprel | 30 | | | | | | |
| 5. | May | 31 | | | | | | |
| 6. | Iyun | 30 | | | | | | |
| 7. | Iyul | 31 | | | | | | |
| 8. | Avgust | 31 | | | | | | |
| 9. | Sentyabr | 30 | | | | | | |
| 10. | Oktyabr | 31 | | | | | | |
| 11. | Noyabr | 30 | | | | | | |
| 12. | Dekabr | 31 | | | | | | |
| | **Shartnomaning jami summasi** | **365** | | | **4947** | **53996505** | **0** | **53996505** |